# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 68-69 (621-622)
2022 йил 26 август,
жума

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
ҳафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## БУЮК МУТАФАККИР ВА ҚОМУСИЙ ОЛИМ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ноёб асарлари ҳамда оламшумул кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва қомусий олим, Илк Ренессанс даврининг ёрқин намояндаси Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган етакчи халқаро илмий марказлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, шунингдек, Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма), ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг 2022-2023 йилларда **буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

ЮНЕСКО Бош конференцияси қарори билан Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш **ЮНЕСКОнинг 2022-2023 йилларда нишонланадиган халқаро юбилейлар рўйхатига киритилгани** маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А. Арипов) **бир ой муддатда** Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш бўйича ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишни ва қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини масъул ижрочилар, молиялаштириш манбалари ва миқдорларини аниқ белгилаган ҳолда тасдиқласин:

республикамиздаги Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ **обида ва қадамжоларни**, шу жумладан, Абу Райҳон Беруний шарафига ўрнатилган **ёдгорлик мажмуаларини** мукаммал таъмирлаш ва уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш, **"Буюк Беруний мероси" халқаро сайёҳлик маршрутларини** йўлга қўйиш;

олимлар ва мутахассисларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқиладиган концепция асосида Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида 2023 йил якунига қадар **Абу Райҳон Беруний мажмуасини қуриш** ва унинг ҳудудида илмий-маърифий, маданий ва дам олиш ҳамда туризм объектлари фаолиятини ташкил қилиш, ушбу масалада икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори белгиланган тартибда қабул қилинишини ташкил қилиш;

аллома илмий-ижодий меросига мансуб **қўлёзма ва бошқа маданий бойликларни реставрация** қилиш, уларни **ишончли сақлаш** учун зарур шароит яратиш;

Фанлар академиясининг **Қорақалпоғистон бўлими** ва **Хоразм Маъмун академиясининг** моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда маданий мерос объектлари, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёларини **реставрация ва консервация қилишга ихтисослашган лаборатория ташкил қилиш ҳамда уларни замонавий жиҳозлар** билан таъминлаш;

Абу Райҳон Беруний меросини ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда кенг кўламли **илмий изланишлар олиб бориш** ва уларнинг **натижаларини эълон қилиш,** шу мавзуда илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш, **хорижий олимларнинг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш;**

**юқори сифатли медиа маҳсулотлар** ҳамда **аудиовизуал асарлар яратиш,** уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, Интернет ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, дунё миқёсида **хештег** ва **челленж** каби тарғиботнинг замонавий технологияларини қўллаш;

Абу Райҳон Беруний сиймоси тасвирланган, алломанинг илмий-ижодий меросига бағишланган **почта маркалари** ва **конвертлар туркумини** яратиш, **тақвимлар** ва **кўргазмали ахборот воситалари**, **эсдалик тангалари, кумуш ва олтин юбилей тангаларини** муомалага чиқариш;

умумий ўрта таълим ташкилотлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида **Хоразм вилоятида** тегишли фан бўйича **Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро фан олимпиадасини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Абу Райҳон Беруний илмий-маърифий мероси, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида илмий анжуманлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш;

илмий доиралар, халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари асосида бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Жамғарма Ташкилий қўмитанинг **ишчи органи** этиб белгилансин ва мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириб** борсин.

4. Ташқи ишлар вазирлиги:

Абу Райҳон Берунийнинг илмий-маърифий меросини дунё миқёсида чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган шахсларни ҳамда илмий-ижодий муассасаларни тақдирлаш мақсадида **Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш**;

Абу Райҳон Беруний юбилейига бағишланган тадбирларни тегишли **хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар,** шу жумладан, **ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил** қилиш;

хорижий мамлакатлардаги Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борсин ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ташкилий қўмитага таклиф киритсин.

5. Фанлар академияси, Маданий мерос агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий давлатларда сақланаётган Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид **қўлёзмалар** ва бошқа **маданий бойликларни аниқлаш,** уларнинг факсимиле нусхаларини **Ўзбекистонга олиб келиш, тадқиқ этиш** ва давлат электрон каталоги ҳамда ЮНЕСКОнинг рақамли кутубхонасига жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва меросини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ **илмий лойиҳалар танловини** эълон қилсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил декабрга қадар **"Беруний ва ёшлар" махсус дастурини** ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. Бунда, Абу Райҳон Беруний ҳаётига оид маълумотлар, унинг илмий-маърифий асарлари жамланган **мобил илова** яратсин ва ёшлар ўртасида **кенг оммалаштирсин.**

8. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ташкилий қўмита томонидан белгиланадиган муддатларда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида **Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасига бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар** ҳамда илмий-маърифий тадбирларни ташкил қилсин;

**Тошкент шаҳрида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган халқаро анжумани** ўтказсин;

б) **Абу Райҳон Берунийнинг барча асарларини тўплаш асосида босқичма-босқич алломанинг тўлиқ асарлари туркумини** Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан **ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, араб ва форс тилларида нашр этиш чораларини кўрсин.**

9. Маданият вазирлиги 2023 йилда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти асосида **янги спектакллар** яратсин ҳамда уларнинг республика бўйлаб театрларда намойиш этилишини ташкил этсин.

10. Кинематография агентлиги 2022-2023 йилларда Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган **бадиий, мультипликацион ва тўлиқ метражли ҳужжатли фильмлар, кўп қисмли телесериал** яратиш ҳамда уларни хорижий мамлакатларда ҳам кенг намойиш қилиш чораларини кўрсин.

11. Бадиий академия ва "Ҳунарманд" уюшмаси 2022-2023 йилларда республикамиз бўйлаб Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолиятига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари ҳамда фотосуратлар кўргазмаларини ташкил этсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий-маърифий фаолияти ҳамда унинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида, шунингдек, таълим ташкилотлари ва меҳнат жамоаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, алломанинг илмий-маърифий мероси асосида **махсус кўрсатув** ва **эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар** яратиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган маблағлар, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 август

ТААССУРОТ

## САМАРҚАНД САЙҚАЛИ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Имом Бухорий зиёратгоҳида олиб борилаётган қурилиш жараёни.


**Козим ТУЛЯГАНОВ,**
Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи.


**Қурилиш соҳасининг вакили сифатида жуда кўп ва катта-катта бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлганман, уларда бевосита иштирок этганман. Лекин шуни таъкидлашим керакки, сўнгги 5-6 йил ичида республикамизда аҳоли фаровонлигига хизмат қилиш мақсадида бунёд этилаётган ижтимоий соҳа объектлари, спорт комплекслари, уй-жойлар ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича қурилаётган иншоотларни кўриб кўзим қувнайди.**

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда катта амбицияли лойиҳа бошланди – Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйида, 212 гектар майдонда улкан мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари у ерга бир неча марта бориб, қурилишни миллий меъморчилик анъаналаримиз ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари иштирок этишди. Шу тариқа қисқа вақтда, пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, ушбу улкан мажмуа қуриб битказилди. Куни кеча ана шу ташаббуснинг илк дебочаси сифатида "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази тантанали равишда очилди.

Марказ таркибида 3, 4 ва 5 юлдузли 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар бор. У йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

Айниқса, мажмуа ҳудудидан ўтаётган сув каналининг қайтадан реконструкция қилиниб, кенгайтирилгани ҳамда атроф-ҳудуднинг яшил майдонга айлантирилиб, дарахт кўчатлари экилгани туфайли бу ер худди юз йиллик боғдек таассурот қолдиради. Қолаверса, инженер-коммуникация тизимининг ҳудудга катта маҳорат билан олиб кирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қурилиш объектлари буюк аждодларимиз бунёд этган муҳташам меъморий обидаларнинг муносиб давоми бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Шунингдек, барпо этилган бу бинолар ёшларни янги ва бунда-да замонавий ҳамда муҳташам биноларни қуришга илҳомлантиради, деб ўйлайман. Масалан, "Буюк ипак йўли" марказида ўша даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган бўлса, "Боқий шаҳар" мажмуаси безакларида қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвирларидан самарали фойдаланилган.

Бундан ташқари, қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та ҳунармандчилик устахонаси ҳам ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларни сайёҳларга намойиш этадилар. Бу ҳам, ўз навбатида, мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми ҳисобланиб, сайёҳларнинг қизиқишини оширишга ҳисса қўшади. Қолаверса, янги туризм маркази келгусида Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сонини янада оширишда катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётган юртдошларимиз сони ҳам бир неча баробар ортади. Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, Мирзо Улуғбек расадхонасидан андоза олиб яратилган амфитеатр саҳнасининг ўзига хос архитектураси ва замонавий техник имкониятлари туфайли эндиликда бу ерда намойиш этиладиган томошалар сифати янада ортади.

Шунингдек, Самарқанднинг кўркига-кўрк қўшиш мақсадида яна кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрдик. Яъни, шаҳарга киришдаги ҳар бир уй-жойларнинг фасадлари янги, замон талабларига жавоб берадиган тарзда қайта реконструкция қилиниб, атроф-ҳудудлар ободонлаштирилган. Тартиб билан ўрнатилган ирригация тизимлари ҳамда ёритиш устунлари эса бу манзарага янада ўзгача кўрк бағишламоқда.

Яқин ойларда Самарқандда бир нечта халқаро даражадаги тадбирлар бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу анжуманларга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар, халқаро саммитларнинг вилоятларда ўтиши мамлакат ривожини кўрсатувчи жиҳатлардан биридир. Ҳудудлар комплекс ривожлантирилаётгани натижасида сўнгги йилларда бундай йирик тадбирлар турли шаҳарларимизда ўтказилмоқда. Бу эса анжуманлар ўтадиган шаҳарларимиз инфратузилмаларининг яхшиланиши ва қайтадан қуриш орқали янада ривож топишига имкон яратмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда амалга оширилаётган бу каби улкан бунёдкорлик ишлари юртимизда муҳтарам Президентимиз томонидан қурилиш индустриясига берилаётган эътиборнинг намунаси бўлиб хизмат қилади.

## Тадбиркорликни ривожлантиришдаги муҳим қадам


**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.


**Мустақиллик – энг улуғ неъмат. Шу боис, бу байрам юртимизда 31 йилдирки катта тантана билан нишонланади. Байрамга қўшалоқ қувонч улашиб, Президентимизнинг фармони билан фаол ва ташаббускор юртдошларимиз ҳар йили энг улуғ ва энг азиз байрам арафасида тақдирланиши анъанага айланган.**

Яқинда Президент қарори билан "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони ҳам таъсис этилди.

Ушбу юксак мукофот 2021 йил 20 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида таъсис этилиб, ҳар йили 20 август – Тадбиркорлар куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали равишда топширилиши белгиланган. Шунингдек, "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланганлар ҳақида ҳар йили "Йилнинг илғор тадбиркорлари" китоби ҳам чоп этиб борилиши кўзда тутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида 22 август куни Халқаро конгресс марказида ўтказилган тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий этиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, етук мутахассисларни тайёрлашда алоҳида ибрат кўрсатаётган, шунингдек, бизнесдаги муваффақиятлари ҳамда ижтимоий фаоллиги билан барчага намуна бўлаётган 100 нафар тадбиркор "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари тадбир аввалида юртимиз ишбилармонларини Тадбиркорлар куни байрами билан табриклаб, улар мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишда асосий куч эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мулоқотда, аввало, ўтган йилги учрашувдан бери бажарилган ишлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Жумладан, бизнес муҳит яхшилангани натижасида ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

Мулоқотда тадбиркорларни маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Давлатимиз раҳбари кўп иш ўринлари яратган, ўз соҳасида инновация ва ислоҳотлар қилган, эл-юрт орасида обрў қозонган бизнес вакиллари меҳнатини эътироф этиш учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тадбиркор" фахрий унвонини таъсис этиш таклифини билдирди. Савдо-саноат палатаси фаолиятини такомиллаштириш зарурати ҳам кўрсатиб ўтилди. Энди унинг вазифа ва ваколатлари кенгайтирилади. Хусусан, ҳукуматга кўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини кўзлаб Олий судга ариза бериш ваколатлари берилади. Савдо-саноат палатаси ҳукумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади ва тадбиркорлар манфаатининг чинакам ҳимоячисига айланади.

Ушбу очиқ мулоқотда айтилган барча таклифларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши белгиланди. Сўзининг якунида юртбошимиз ишбилармонларни Тадбиркорлар куни билан яна бир бор табриклаб, фаолиятларига муваффақият тилади.

**– Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ғоят муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, инновацион фикр ва ёндашувингиз бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бу ўринда сиз барча соҳа вакилларига ўрнак бўлишингизга ишонаман**, – деди давлат раҳбари.


2-бет

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№68-69 (621-622) 2022 йил 26 август

# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

1-бет

Мамлакат раҳбари, қолаверса, бутун бошли халқнинг эъзозу эътирофига ҳар ким ҳам сазовор бўлавермайди. Демак, бу мукофот ҳар бир кишига улкан шараф, ифтихор ва ғурур бағишлайди. Яхшиси, бу туйғулар таърифини мукофот соҳибларининг ўзларидан эшитсак.

**Одилжон БОЛТАЕВ,**
Самарқанд вилоятидаги
“Azia metal prof” МЧЖ раҳбари:



– Ҳар қандай мукофот энг аввало, юксак ишонч ва катта масъулият демакдир. Меҳнатимиз эътироф этилганидан бошимиз кўкка етди. Бу эътироф бизни келгусида янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундайди.

Ҳозирда жамиятимиз томонидан бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Металл ўрамалар ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш” лойиҳасининг умумий қиймати 80,0 млн АҚШ долларини ташкил этади. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 31,5 млн АҚШ доллари бўлиб, 28,0 млн АҚШ доллари ёки 78 фоизи ўзлаштирилган. Лойиҳа қуввати йилига 250 минг тонна металл маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа доирасида 370 та иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, корхонамиз томонидан “Ўрамали металлдан турли размердаги металл трубалар ва профиллар ишлаб чиқариш” лойиҳаси ҳам амалиётда ўзини оқламоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4,9 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 3,3 млн АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу лойиҳамиз 2018 йил август ойида ишга туширилган бўлиб, 170 киши иш билан таъминланган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 70,0 минг тоннани ташкил қилади. Шунингдек, ҳозирги кунда “Ўрамали металлдан турли қалинликдаги рух ва полимер билан қопланган тунука маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, “Пўлат қоришмалардан турли қалинлик ва кенгликдаги ўрамали металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, “Темир рудасидан металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш” каби йирик лойиҳалар орқали ҳам юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз.

**Лутфулла ХАФИЗОВ,**
Тошкент шаҳридаги
“Rangli bo‘yoq” МЧЖ раҳбари:



– Бугунги кунда юртимизда биз тадбиркорлар учун кўпгина қулайликлар яратилди. Бу эса, ўз ўрнида, фаолиятимизга самарали таъсир кўрсатиб, янада яхши ишлашимиз учун замин яратди. Қилаётган ишларимизнинг юксак эътирофи эса бизга янада куч-қувват бағишлайди. Менга берилган бу мукофот жамоамиздаги барча ходимлар меҳнатининг эътирофидир, аслида. Қўшма корхонамиз фаолиятига тўхталадиган бўлсам, 1995 йилдан буён юртимизда бўёқ ва лак ишлаб чиқарувчи бозорда ўз ўрнимизга эга бўлиб келяпмиз. Ҳозирги вақтда корхонамиз жалб қилинган инвестициялар туфайли Европанинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг юқори технологияли ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Яратилган бу шароит ва имконият туфайли маҳсулотларимиз бозорда юқори сифат билан танилиб, тан олинмоқда.

Бугунги кунда корхонамизда лаклар, эмаллар, сув ўтказмайдиган бўёқларни ўз ичига олган бўёқ ва лакларнинг тўлиқ ассортименти ишлаб чиқариляпти. Бундан ташқари, алкид қатронлари, болға эффектли нитроэмаллар асосида янги турдаги маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бунда жамоадаги 35 нафар доимий ишчининг самарали меҳнати катта бўлмоқда. Келгусида автомобиль эмалларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги мажбуриятларимизни намунали бажариб келаётганимиз учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланганмиз. Фаолиятимизга берилаётган бу каби эътибор ва эътироф бизга янги ғоялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун куч бағишлайди.

**Ҳилола ОБИДОВА,**
Сирдарё вилоятидаги
“Beton sanoat” МЧЖ раҳбари:



– Тадбиркорлик фаолиятимнинг бошланиши жамиятимиздаги фаол хотин-қизларни фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар бир соҳада ривожлантириш, лидер аёлларни тайёрлаш, уларга кенг имконият яратиб берадиган даврда туғилганим менинг энг катта бахтим. Албатта, биз тадбиркорлар Президентимиз билдирган ишончни оқлашга сўз берамиз. Юртбошимиз 20 августни Тадбиркорлар куни деб эълон қилганининг ўзи ҳам жамиятимизда тадбиркорларни ўрни қай даражада катта эканлигидан далолат.

2018 йил Тошкент Давлат Иқтисодиёт унверситетини тамомлаб, “Beton sanoat” МЧЖнинг маркетинг бўлимида иш фаолиятимни бошлаганман. Ҳозирда раҳбар сифатида фаолият юритиб келяпман. Президентимизнинг қарорлари ва оқилона олиб бораётганислоҳотлари натижасида ҳозирги кунда қурилиш кластерини ташкил этганмиз. У ерда 120 дан зиёд темир-бетон маҳсулотлари, майдаланган тош ва қумлар, замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда жамиятимизда 500 дан ортиқ доимий, 200 дан ортиқ мавсумий ишчи-ходимлар фаолият юритади. Аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлаш максадида, шу йилнинг ўзида 300 дан ортиқ шинам хонадонларни қуриб, эгаларига топширдик. Биз нафақат қурилиш, балки аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланамиз. Хусусан, 2021 йилда Сирдарёдаги биринчи ва ҳозирча битта бўлган “Саховат” савдо ва хизмат кўрсатиш марказини ташкил қилдик. Ҳозирги кунда бу ерда 400 дан ортиқ тадбиркор ўз фаолиятини олиб боряпти. 150 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Мажмуа тўрт қаватли бўлиб, 17 минг кв метр майдонда қурилган.

Бу соҳага кириб келишимнинг асосий сабабчиси, дадам бўлади. У киши қурувчи бўлиб ишлаган, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи завод-фабрикаларга асос солган. Ҳозирги кунда дадамнинг ишини давом эттириб келяпман. Келгусида “Саховат” савдо маркази фаолиятини кенгайтириб, туманларида ҳам филиалларини ташкил қилишни режалаштиряпмиз.

**Жамшид ПАРДАЕВ,**
Сурхондарё вилоятидаги
“Termiz golden city” МЧЖ раҳбари:



– Юртимизда ўтган йилдан бошлаб 20 август санасининг айнан Тадбиркорлар куни, дея катта тантана билан нишонланиши бизга яхшигина мотивация беряпти, десам адашмаган бўламан. Демак, юртимизда меҳнат қилган, ишлаган, бошқаларни иш билан таъминлаган тадбиркорларнинг меҳнати қадр топиб, уларга юксак ишонч билдирилмоқда. Ўтган йили Президентимиз фармони билан “Шуҳрат” медалига, бу йил “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига сазовор бўлганим менга чексиз қувонч бағишлади.

Энди фаолиятимизни янада кенгайтириб, билдирилган бу ишончни оқлашга, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан. Корхонамиз 2018 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан, қурилиш-бунёдкорлик, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари билан шуғулланиб келяпмиз. Айни пайтда Термиз туманида 10 гектар майдонда автомобилларга хизмат кўрсатиш ва савдо комплексини қуриш ишларини олиб боряпмиз. Ушбу савдо мажмуасининг биринчи қисми шу йилнинг охирида ишга тушиши режалаштирилган. Шунда 200 киши иш билан таъминланади. Келгуси йилда мажмуа тўлиқ битгач, 1 000 нафар кишини иш билан таъминлаш имконига эга бўламиз. Яқинда Термиз шаҳрида беш қаватли, 70 ўринли кўп тармоқли клиника биносини қуриб, фойдаланишга топширдик.

Айни пайтда жамиятимизда 300 нафар ходим меҳнат қилади. Келгусида кўп қаватли турар жой биноларини қуришни режалаштиряпмиз. Қилаётган ҳар бир ишимиз замирида фақатгина моддий манфаат кўриш эмас, балки шу халқ фаровонлиги, унинг турмуш даражасини яхшилашга ҳисса қўшишдир.

**Сардоржон ТУРСУНОВ,**
Жиззах вилоятидаги “Basalt and composite group” МЧЖ раҳбари:



– Юртимизда ёшларга, умуман, тадбиркорларга бугун катта имконият билан бирга эътибор ҳам қаратилмоқда. Камтарона меҳнатимизга юксак баҳо бериб, мукофотлагани учун Президентимизга миннатдорчилик билдираман.

Ўзим ҳам фаолиятим давомида ёшларга кўпроқ эътибор ва имконият беришга ҳаракат қиламан. Хусусан, ҳозирда мен раҳбарлик қилаётган корхонада 100 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг тўқсон фоизини ёшлар ташкил қилади. Корхонамиз бугунга қадар икки ярим йиллик фаолияти давомида 10 млн АҚШ долларидан кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилган. Ҳозирги кунда корхонамиз юқори технологиядаги асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Асосий ишлаб чиқарадиган маҳсулотимиз базальт толасидан арматура ва сеткалар ҳисобланади. Маҳсулотларимиз бугун нафақат Ўзбекистон, балки Россия, Туркия ва Европанинг бир қанча давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Шу йилнинг июнь ойида янги лойиҳага қўл урдик. Лойиҳамиз Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида жойлашган. Бу лойиҳада базальт тошини қайта ишлаш орқали базальт минерал плиталарини ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз. Лойиҳа қиймати 25 млн АҚШ долларини ташкил қилиб, бунда йиллик 35 минг тонна базальт минерал плиталарни ишлаб чиқариш кўзда тутилган. 12 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган. Лойиҳа бир йилдан кейин ишга тушади ва 250 тага яқин иш ўрни яратилади. Йиллик 14 млн АҚШ доллари миқдорида экспорт йўлга қўйилади.

**Фарҳод ШОКИРОВ,**
Тошкент шаҳридаги “Qurilish industriya xajmli uy-joy” МЧЖ раҳбари:



– Кўпчилик қатори ушбу юксак мукофот билан тақдирлагани учун юртбошимизга миннатдорчилик билдираман. Бу ишончни оқлаш учун келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, шу юрт ривожига ҳисса қўшиш ниятидамиз. Ўзим раҳбарлик қилиб келаётган корхона фаолияти ҳақида тўхталадиган бўлсам, жамиятимиз ташкил этилганидан буён Ўзбекистонда кўп қаватли турар жой бинолари ва бошқа фуқаролик ҳамда саноат қурилиш объектларини барпо этиш соҳаси жадал ривожланиб келмоқда. Хусусан, шу йиллар давомида Миробод туманидаги Чехов кўчаси бўйлаб саккиз блокли кўп қаватли турар жой мажмуаси, Яккасарой туманидаги Бобур кўчаси ва Миробод туманидаги Пирмуҳамедов кўчаси бўйлаб кўп қаватли турар жой мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширдик. Шунингдек, пойтахтимизда саккиз қаватли замонавий офис биноси ва яна бир қанча иморатларни барпо этишга ҳисса қўшганмиз. Айни пайтда компаниямиз Бобур кўчасида жойлашган замонавий турар жой мажмуасини қуриш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, компания Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида қурилиш материаллари, хусусан, темир-бетон буюмлар, металл конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводларига ҳам эга. Темир-бетон буюмлар, алюминий ва металл конструкциялар каби қурилиш материалларини сотиш, ишлаб чиқариш базалари ва транспорт воситаларини ижарага бериш ҳам тадбиркорлик фаолиятимизнинг бир тури ҳисобланади. Қолаверса, компаниямиз “Qurilishavtotexta’minot” ШК асосчиси ҳам ҳисобланади. Бу Фарғона водийси ва республиканинг бошқа ҳудудларидан келаётган автомобиллар ва ҳайдовчилар учун зарур бўлган барча нарсалар билан жиҳозланган катта автотурарғоҳдир. Корхонамиз доимий равишда фаолиятнинг барча соҳаларида ходимлар малакасини ошириш бўйича ишларни олиб бормоқда.

**Бахтияр ПАНАЕВ,**
Қорақалпоғистон Республикасидаги
“Uy-Jay Qurilis” МЧЖ раҳбари:

– Бугун Қорақалпоқ замини ҳам тобора гуллаб-яшнамоқда. Бу бунёдкорликларда ҳиссамиз борлигидан биз ҳам фахрланамиз. Хизматларимиз эътиборга олиниб, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганимиздан бошимиз кўкка етди.

Жамиятимиз 2015 йилда ташкил этилиб, Оролбўйи ҳудудидаги йирик қурилиш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Жамоамиз ишчи-хизматчилари шу давр мобайнида И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси санъат музейини, Қорақалпоғистон Республикасининг тарихи ва маданияти давлат музейларининг янги биноларини қуриб фойдаланишга топширишган. Шунингдек, Нукус шаҳрининг Қорақалпоғистон, Т. Қаипбергенов ва А. Дўсназаров кўчаларидаги бир-биридан чиройли кўп қаватли уй-жойлар ҳам қурувчиларимиз томонидан бунёд этилган. Булардан ташқари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини ҳам қуришда фаоллик билан иштирок этиб келяпмиз.

## Жанубликлар ёрдамидан шимолликлар миннатдор

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Қорақалпоғистонга инвестиция киритинг” шиори остида вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликларига Оролбўйи минтақасининг биттадан шимолий туманлари ва Нукус шаҳри бириктирилган эди. Ташаббус доирасида ҳудудда янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва замонавий корхоналарни ишга тушириб, аҳоли бандлигини таъминлашга киришилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.**

Сурхондарё вилояти ҳам ўзига бириктирилган Тахиатош туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш шароитини яхшилаш, ҳудудни ҳар тарафлама юксалтириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаган. Ана шу режа асносида ишни ташкил қилингани йирик ҳажмдаги лойиҳаларни ҳудудда татбиқ этишга имкон бермоқда. Масалан, вилоятнинг Термиз шаҳри ва тумани раҳбарлари, ишбилармонлари Тахиатошнинг ҳар бир маҳалла ҳамда овулларига кириб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар ўтказиб, ночор ҳолга тушиб қолган хонадонлардан 8 тасининг уй-жойларини таъмирлаш баробарида уларга оёққа туриб олишлари учун ҳомийлик йўлга қўйилмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойларида сурхондарёлик тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида замонавий лойиҳалар асосида 103,5 гектар ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этилди. Унинг бош режаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги кунда аукцион савдолари ўтказилмоқда. Шу билан бирга мазкур ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тубдан ўзгартиришга жиддий киришган сурхондарёлик тадбиркорлар умумий қиймати 239,6 миллиард сўмлик 19 та лойиҳани ишга туширишга астойдил киришишган ва айни пайтда бу борадаги ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Ана шу истиқболли лойиҳалардан бирини Тахиатошда фаолият юритаётган “Остона Килем” масъулияти чекланган жамияти жанубликларнинг тажрибасини қўллаб, гиламчиликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида кооперация асосида фаолиятни бошлади. Эндиликда замонавий технологиялар бўйича фаолият кўрсатаётган корхона дафтарлар рўйхатида турган 50 нафар кишини қайта ихтисослаштириб, иш билан таъминлади.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллигини муносиб қарши олиш мақсадида сурхондарёликлар яна битта лойиҳани амалга оширишди. “Найманкўл” овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги нуронийлар чойхонаси, овул фуқаролар йиғини бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, туманда барпо этиладиган 150 ўринли замонавий мактабгача таълим ташкилотининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалардан 50 тасига ихчам иссиқхона қуриб берилди. 50 та хонадонга тикув машинаси, 20 та хонадонга 500 тадан жўжа очиш қувватига эга инкубатор совға қилинди. Шунингдек, ўз муддатини ўтаб бўлган туман қишлоқ хўжалиги бўлими биноси тўлиқ қайта таъмирланиб, қулай шароит яратиб берилди.

Бунёдкорлик ва ижтимоий инфратузилмани шакллантириш қаторида ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларга ҳар томонлама шароитлар яратиш ҳамда турли маданий-маърифий тадбирлар уюштириш билан уларни чиниқтиришга ҳам эътибор кучайтирилаётир. Бу борада сурхондарёлик ҳамда қорақалпоғистонлик ўқувчи-ёшлар ўртасида “Беш ташаббус – беш имкон” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб борилаётгани мақсадга эришишда муҳим омил бўляпти. Тадбирларда ютуқларни қўлга киритганларни рағбатлантириш учун уч минг дона китоб, 50 та компьютер жамламалари топширилди.

## Аҳолига янада қулайликлар яратиляпти

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
журналист.

**Халқимизда, “Янгисини қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган мақол бор. Бу ҳикматга пойтахтимиздаги мутасадди ташкилотлар, қурилиш компаниялари қай тарзда амал қилишмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Тошкент шаҳри марказида жойлашган, жанубий вокзал рўпарасида “CITY PARKING” компанияси иш олиб бормоқда. Бу жамоа кўп йиллардан буён турар жой бинолари баробарида, машиналари учун ҳам алоҳида жойларни қуриш, таъмирлаш билан шуғулланади. Асосий даромад манбаи ҳам мана шундан.**

Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бунёдкорлардан бири ҳозирги жараёнда бажарилаётган ишлар бўйича сўзлаб берди.

– Машина турар жой паркимиз шу йилнинг ноябрь ойида битказилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Яқин йилларда қилган ишларимизнинг энг катта ва кўзга кўринган, ўзидек улкан натижа берадигани мана шу бинодир. Машинасини паркка қўймоқчи бўлган кишилар айлана йўл орқали юқорилаб, сўнг жойлаштириши кўзда тутилган, икки қаватдан иборат бино бўлади, – деди қурувчи Аббосбек Мавлонов.

Аввалроқ компания Юнусобод туманида жойлашган “Ориент Моторс” машина турар жойини фойдаланувчиларга тақдим этиб, бинонинг эски қисмини таъмирдан чиқазган эди. Янги қурилаётган машина турар жой шохобчаси ёнида эскисининг таъмирдан чиқазилгани қувонарли. Компания режасига кўра, янги парк фойдаланишга топширилгунча кишилар эски бинога машиналарини жойлаштириб туришлари учун шароитлар яратилган.

## Импорт товарларнинг сифати текшириладими?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда миллий саноат тармоқлари ривожланиб бораётган бир пайтда, импорт товарларига бўлган талаб сақланиб қолмоқда. Бу – маҳсулот тақчиллиги, сифати ва молиявий таъсирлар фонида амалга ошяпти. Ҳозирда қурилиш ва қурилиш материаллари соҳасида импорт маҳсулотларга эътибор оз эмас. “Импортный” қурилиш материали сифатли деганими? Аслида импорт қилинган қурилиш материалларининг сифати қай тартибда назорат қилинади?**

Сўнгги пайтда республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ушбу тармоқни иқтисодиётнинг “драйвер”ларидан бирига айлантирди. Ўтган йили қурилиш материаллари соҳасида 24,2 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 8,7 триллион сўмлиги “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси тизимидаги корхоналарга тўғри келган. Шунга қарамасдан, республикамиздаги қурилиш жараёнлари учун импорт маҳсулотларнинг миқдори сезиларли камаймаяпти. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида реализация қилинаётган тармоқ корхоналарида йил сайин ишлаб чиқариш даражаси ортиб борар экан, параллел равишда қурилиш ишларининг салмоғи ҳам ўсмоқда. Натижада ички бозордаги сезиларли тақчиллик импорт маҳсулотларга талаб туғдирмоқда.

Албатта, бугунги кунда маҳаллийлаштириш, саноат кооперацияси масалаларига ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда. Амалдаги қурилиш-бунёдкорлик жараёнларида асқатадиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва чет элдан импорт қилиш масалалари ва сифат даражалари қатъий назорат остида олиб борияпти. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида 268,0 миллион долларлик тайёр қурилиш материаллари импорт қилинган бўлиб, бу, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97 фоизни, яъни, 276,1 миллион долларни ташкил этган. Албатта, мазкур тармоқнинг ривожланиши билан импорт маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш тартиблари ҳам бирмунча ривожланди.

– Мамлакатимизда маҳаллийлаштиришга қаратилган эътибор анчайин кучайди, – деди “O‘zsanoatqurilishmateriallari” уюшмаси мутахассиси Саидаҳмад Абдураззоқов. – Шунга қарамасдан қурилиш жараёнлари салмоғи ортиши баробарида импортдаги қурилиш товарларига бўлган талаб ҳам лойиқ бўляпти. Бу ўринда мазкур қурилиш материалларининг сифат назоратини талаб этади. Ҳозирги кунда мазкур турдаги маҳсулотларнинг қайси давлат ва ҳудуддан келишига қарамасдан махсус сифат сертификати талаб этилади. Божхона постларида ҳам мазкур турдаги товарларнинг сифатини белгиловчи лаборатория синови хулосалари сўралади. Шу тахлит импорт маҳсулотларнинг ҳолати текшириб борилади.

Бунёдкорлик ишларининг асоси қурилиш материалидир. Унинг сифатли бўлиши, бажарилаётган қурилиш ишларининг мукаммаллигини оширади. Материалларнинг доимий назорати эса бунёдкорлик жараёнларида қўл келади.

## ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# ВАЗИРЛИК МУТАХАССИСЛАРИ КОРЕЯДА




**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва вазирлик қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази мутахассисларидан иборат гуруҳ Кореянинг Қурилиш ва технологиялар институтида малака оширишмоқда.**

***Водохранилище – искусственный водный объект, предназначенный для сбора и хранения воды с помощью плотин, обеспечивающий нужды ряда отраслей народного хозяйства (ирригация, водоснабжение, электроснабжение, судоходство, рыболовство и др.).***

Цену воде лучше других знают жители стран с аридным климатом. Для них вода – урожай, благополучие, сама жизнь. Их почтительным отношением к воде можно только восторгаться.

В Узбекистане сущесвуют более 70 водохранилищ, и в связи с их многолетней эксплуатацией их полезный объем уменьшается. В связи с этим актуальными проблемами являются вопросы точной оценки полезного объема водохранилищ, разработки конкретных мероприятий по предотвращению потерь воды, продления срока эксплуатации.

Для расчета объема воды водохранилищ используют водный баланс водохранилищ за период эксплуатации предыдущих лет и изменение уровней воды в последние месяцы этих лет. При этом, годы следует выбирать, когда водохранилище заполнено или близко к отметке НПУ, а минимальный уровень воды близок к уровню мертвой воды (УМВ). При расчете фильтрации в водохранилищах также учитывается период эксплуатации водохранилища. В водохранилищах фильтрация больше в начальный период, а с годами может снижаться в 2-3 раза по сравнению с начальным периодом.

Как пример рассмотрим водохранилище Резаксой в Наманганской области, которое расположено между автодорогой Чуст-Наманган и Северным Ферганским каналом Резаксойской долины. Тип Резаксойского водохранилища – русловое-наливное, общий объем – 300 млн куб метров, объем полезной воды – 295 млн куб метра. Причина, по которой водохранилище называется русловым, заключается в том, что водохранилище было построено в русле Резаксая, а причина, по которой оно называется наливным – вода в него заливается из канала Катта-Наманган.

Объем фильтрации из водохранилища меняется в течение года в зависимости от заполнения водохранилища и уровня воды в водохранилище. Величина фильтрации из водохранилища бывает обратимой и необратимой и определяется в зависимости от гидрогеологических условий.

В среднем за год из водохранилища на фильтрацию теряется 20-30% объема воды. Если не учитывать сбросы воды, если не резервируется специальный объем воды, то потребители не смогут получить предназначенный им (для производственных целей) объем воды.

Сегодня в результате совершенствования фильтрационного расчета Резаксойского водохранилища точно оценивается объем фильтрации из водохранилища и достигается возможность подачи воды, составляющей среднегодовую фильтрацию.

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 27 сентябрь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 18 августдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Artfam-Invest" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202202193005012-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 826 668,8 сўм.
2. 202202193005011-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 468 063,2 сўм.
3. 202202193005010-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 19 755 926,2 сўм.
4. 202202193005009-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 23 985 584 сўм.
5. 202202193005008-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 976 391,2 сўм.
6. 202202193005007-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 886 557,76 сўм.
7. 202202193005006-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 377 501,6 сўм.
8. 202202193005005-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 898 389,92 сўм.
9. 202202193005004-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 249 031,6 сўм.
10. 202202193005003-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 174 170,4 сўм.
11. 202202193005002-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 767 508 сўм.
12. 202202193005001-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 737 126,62 сўм.
13. 202202193005000-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 949 586,8 сўм.
14. 202202193004999-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 778 612 сўм.
15. 202202193004998-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 673 806,32 сўм.
16. 202202193004994-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 033 140,08 сўм.
17. 202202193004997-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 085 065,12 сўм.
18. 202202193004996-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 462 511,2 сўм.
19. 202202193004993-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 767 508 сўм.
20. 202202193004992-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 988 223,36 сўм.
21. 202202193004991-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 853 473,2 сўм.
22. 202202193004990-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 275 836 сўм.
23. 202202193004989-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 473 615,2 сўм.
24. 202202193004988-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 869 173,6 сўм.
25. 202202193004974-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 323 892,8 сўм.
26. 202202193004987-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 033 140,08 сўм.
27. 202202193004986-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 10 510 568 сўм.
28. 202202193004985-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 15 601 129,6 сўм.
29. 202202193004984-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 617 057,44 сўм.
30. 202202193004983-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 869 173,6 сўм.
31. 202202193004981-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 826 668,8 сўм.
32. 202202193004980-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 659 416,61 сўм.
33. 202202193004979-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 003 195,6 сўм.
34. 202202193004978-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 676 946,4 сўм.
35. 202202193004977-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 869 173,6 сўм.
36. 202202193004976-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 575 280,8 сўм.
37. 202202193004975-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 7 965 287,2 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Artfam-Invest" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 9-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 27 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ "Турон банк" Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 27 сентябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 271-уйда жойлашган хусусий нотариал идоранинг 2022 йил 18 августдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Oloy-Invest Lombard" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202202193004973-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 15 002 240 сўм.
2. 202202193004972-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 013 344 сўм.
3. 202202193004971-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 270 284 сўм.
4. 202202193004970-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 25 482 808 сўм.
5. 202202193004969-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 970 839,2 сўм.
6. 202202193004968-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 895 978 сўм.
7. 202202193004967-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 13 205 571,2 сўм.
8. 202202193004966-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 976 391,2 сўм.
9. 202202193004965-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 725 003,2 сўм.
10. 202202193004962-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 696 264,68 сўм.
11. 202202193004961-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 778 612 сўм.
12. 202202193004959-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 725 003,2 сўм.
13. 202202193004958-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 275 836 сўм.
14. 202202193004957-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 874 725,6 сўм.
15. 202202193004956-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 617 785,6 сўм.
16. 202202193004955-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 302 640,4 сўм.
17. 202202193004954-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 227 779,2 сўм.
18. 202202193004953-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 944 034,8 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Oloy-Invest Lombard" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 1-уй.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 27 сентябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.30 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 "Турон банк" АТБ Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 27 сентябрь куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдога қуйидаги таъмирталаб ҳолатдаги кишлоқ хўжалиги техникаси қўйилмоқда:**

"Ўзагросервис" АЖнинг 2022 йил 23 майдаги 3-сонли қарори ва "Хоразм Агроинтехника МТП" МЧЖнинг 2022 йил 25 августдаги 01/100-46-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси 1-"а" уйда сақланаётган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 90 392 ЕАА бўлган, таъмирталаб ҳолатдаги "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 13 279 081 (ўн уч миллион икки юз етмиш тўққиз минг саксон бир) сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси 2022 йил 27 сентябрдаги очиқ аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2022 йил 14 октябрь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдода қатнашиш истагида бўлган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ ҳисоб рақамига 5 (беш) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Гаров пули қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади:** 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ "Ипотека-банк" Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.
**Расмий веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### Август ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Ишлар бошқармаси бошлиғи **Абдувоҳид Ҳамзаев**, Ижро назорати бўлими бош мутахассиси **Учқунжон Халилов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош мутахассиси **Саидаҳмад Баҳодиров,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Бахытбай Хожаметов,**

Бухоро вилояти, Жондор тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Расул Рўзиев,**

Жиззах вилояти, Бахмал тумани қурилиш бўлим бошлиғи **Шуҳрат Бободўстов,** Дўстлик тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Дилмурод Умаров,** Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Маъруфхўжа Мухторов,**

Сирдарё вилояти, Сардоба тумани қурилиш бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича архитектор **Ғафур Саламов,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Рустамжон Қаршибаев,**

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош мутахассиси **Ҳусан Шукуров,**

"Asakabank" АЖ Қурилиш мониторинг бошқармаси бош мутахассиси **Ҳасан Шукуров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлик тилаймиз!**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ









# МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИДА ШОНЛИ БЕШ ЙИЛ

**Халқимизнинг тўйлари кўп, байрамлари бисёр. Лекин бу шодиёналар ичида барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақилликни қўлга киритган кун қадрли ва суюклидир.**

Айни кунларда давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини халқимиз муносиб кутиб олиш ва уни кўтаринки кайфиятда нишонлашга катта тараддуд кўрмоқда. Жойлардаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этиши юртимиздаги ислоҳотларнинг асосини ташкил этиши билан аҳамиятлидир. Ушбу ғоят таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахр, ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

Бир ўйлаб кўрайлик. Сўнгги беш йилликдаги ўзгаришлар, янгиланишларнинг моҳиятида, ҳаётдаги амалий тасдиғида инсон қадри ва яна инсон қадри мужассам. Узоққа бормайлик, биргина Фарғона вилоятида амалга оширилаётган улуғвор ишлар, қўлга киритилаётган ютуқларнинг пировард мақсади ҳам ҳар бир кишини ҳаётдан рози қилишга қаратилган. Мисол тариқасида, вилоятнинг турли гўшаларида қад ростлаётган, кун сайин кўкка бўй чўзаётган муҳташам турар жой бинолари, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, замонавий инфратузилмани жорий этиш орқали фаровон турмушни янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бағдод туманида пайдо бўлган янги шаҳарчага бугун барча ҳавас билан қарамоқда. Бор-йўғи бир йил муддатда бу ерда янги замонавий шаҳарча қад ростлади, унга “Гулистон” деб ном берилди, уй-жойлар қурилиши ва яратилган инфратузилма “Бағдод тажрибаси” сифатида бутун мамлакатга намуна бўлди. Таъкидлаш керак, мазкур ташаббус замирида халқ дардига малҳам бўлиш, юз кўрсатишни бошлаётган муаммоларни барвақт бартараф қилиш, пухта режа ва мақсадлар мужассам. Яна бир жиҳат, халқимизни Ватан ичра кичик ватанли бўлишига эришиш мақсадида оммавий равишда кўп қаватли уйлар қурилаётгани, бу қурилишлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ўрнида эмас, йиллар мобайнида бўш турган дашт ҳудудида амалга оширилаётгани эътиборга молик. Аҳамиятлиси, бу уйларнинг сифати яхши, нархи эса арзон. Шаҳарча ва унинг атрофидаги объектлар режасини тузишда истиқболда аҳолининг ўсиши, унинг инфратузилмаси ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши каби жиҳатлар ҳам инобатга олинган. Инсон қадрини улуғлашга қаратилган ташаббуслар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу боис, янги шаҳарчадаги уйлар дастлаб эҳтиёжманд оилаларга берилди. Уларга субсидиялар, банклардан имтиёзли кредитлар ажратилди, бошланғич тўловлари тўлаб берилди.



Бағдод тумани Гулистон маҳалласида барпо қилинган шаҳарча намунаси асосида вилоятнинг қатор туманларида ҳам камида 4-5 минг хонадонли “йўлдош” шаҳарчалар бунёд этилиши белгилаб берилган бўлса, айни кунларда бу ерларда бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. Қишлоқ ва маҳаллалардаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, бир қараганда одатий ҳолдек туюлса-да, бу жараёнларнинг “мағзини чаққан”ларда фахрланиш ҳисси билан бирга, юрт ишига камарбасталик, дахлдорлик туйғулари жўш уради.

Мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллиги байрами арафасида Тошлоқ тумани “Ахшак” маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган замонавий турар жой массивининг фойдаланишга топширилиши, обод манзиллар сонининг яна биттага кўпайгани фарғоналикларни беҳад қувонтирди. Бу ерда қисқа муддатда жами 270 та хонадондан иборат 12 та кўп қаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактабгача таълим ташкилоти, болалар ва спорт майдончалари, маҳалланинг янги маъмурий биноси барпо этилди. Эътиборли жиҳати, аҳоли учун субсидиялар берилаётгани, ўзининг уйига эга бўлмаган, қийналиб қолган аёлларни ижтимоий-ҳимоя қилиш мақсадида янги қурилаётган уйларни давлат ўзи сотиб олиб, узоқ муддатга фойдаланиш учун уйсиз аёлларга бериш тизими амалиётга жорий этилаётгани кўплаб юртдошларимизга умид, ишонч бағишламоқда.

Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида янги массив аҳолига туҳфа этилди. Байрамга айланиб кетган тантанали тадбирда бир гуруҳ тошлоқликларга янги уй-жойларнинг калитлари топширилиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар тўловларсиз уй-жойли бўлгани, беш нафар ёлғиз аёлларга уй олиш харажатларининг 50 фоизи миқдоридаги маблағлари тўлаб берилиши бу жараёнга гувоҳ бўлиб турган кўзларда қувонч, шодлик, ёруғ келажакка ишонч бўлиб порлади, юракларнинг туб-тубидан “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган ҳайқириқ отилиб чиқди. Янги массивда фойдаланишга топширилган мактабгача таълим муассасаси, тадбиркорлар томонидан қуриб битказилган савдо мажмуаси, сартарошхона, дорихона ва нон маркази кўзларни қувонтирди, қишлоқ шароитидаги бу каби имкониятлар, шарт-шароитлар одамларга ўзига хос байрамона кайфият улашди.

Умуман айтганда, Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларида кўплаб янги массивлар, турар жой мажмуалари, замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлаши натижасида фойдаланишдаги уйлар сони 791,2 минг бирликни ташкил этиб, бу борада вилоят Ўзбекистон бўйича биринчи ўринга чиқди. Рақамлар ортида катта меҳнат турганлигини бугун барча яхши ҳис этиб турибди. 2022-2023 йилларда умумий қиймати 31 триллион сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани эса Фарғонанинг янги тараққиёт даврини бошлаб бермоқда. Маълумки, ҳар бир ҳудуд, вилоятнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ишбилармон ва уддабурон тадбиркорлари, омилкор савдогарлари билан донг таратган Фарғонада бугун саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари сони кун сайин ортиб бормоқда.

Мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ходимлари учун қулай имконият ва шароитлар яратилмоқда. Биргина мисол, вилоятнинг Учкўприк туманида 15 гектар майдонда барпо этилган “Бобошбек” енгил саноат ва логистика маркази нафақат ҳудуддаги тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар, балки маҳаллий ва хорижий харидорлар учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди, дейиш мумкин. Зеро, 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўкони, 560 та савдо растаси, 2 та логистика маркази жой олган марказда сотувчи-ю сотиб олувчилар учун барча шароит яратилган. Мажмуада йилига 876 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган бўлса, 7 минг 700 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлиши кўзда тутилган. Баландпарвоз гаплар, ишониш қийин фактлардек туюлган бу фикрларга заррача гумон қилсангиз, марҳамат, мажмуага ташриф буюриб, ўз кўзларингиз билан кўринг. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи, дўкон мутасаддиси билан суҳбатлашинг, ишчи-ходимлар фикрини тингланг. Ана шундагина бу рақам ва эътирофлар кимлар учундир мақтаниш учун эмас, айнан “Инсон қадри учун” деган ҳузурбахш тамойил асосида амалга оширилган ишларнинг бир қисми эканлигига шубҳа қолмайди, деб ҳикоя қилади ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов.

Вилоятда барча соҳаларда ўсиш, юксалиш юз кўрсатаётгани қувонарлидир. Жорий йил Фарғона вилоятида жами 82 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ушбу мақсадлар учун жами 273,6 миллиард сўм маблағ ажратилган. 55 та мактабга “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида 30,3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. 2022 йилнинг олти ойи давомида вилоятга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг умумий миқдори 462,8 миллион долларни ташкил этди, ўсиш кўрсаткичи 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробардан зиёдга ортди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги улуши 80 фоизгача ўсди. Ўтган 6 ой давомида вилоятга инвестиция киритган мамлакатларнинг умумий сони 43 тага, инвестиция киритилган корхоналар сони 163 тага етди. Албатта, бу каби рақамларни кўплаб келтириш мумкин. Асосийси, одамлар бандлиги таъминланмоқда, фаровонлиги ошмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда инсон қадри нақадар улуғ эканлигидан далолатдир. Фарғонада бугун ўзгача шукуҳ ҳукмрон. Қутлуғ байрамга муносиб туҳфа тақдим қилишни орзулаган, бунинг уддасидан чиққан фидойилар сафи узундан-узун. Қай бир соҳага кўз ташламанг бугунги тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиб-қадрлаб, куч-ғайрати ҳамда салоҳиятини халқимиз фаровонлигига бағишлаётган ташаббускор илғорларни учратасиз. Ёши улуғлар доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, дея дуога қўл очади. Бу бежиз эмас, албатта. Тинчлик – тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самарасида саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Илоҳим юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

# УЙИНГИЗНИНГ КАДАСТР ҲУЖЖАТИ БОРМИ?

**Бугунги кунда республикамизнинг аксарият қишлоқларида истиқомат қилувчи фуқаролар хонадонлари кадастр ҳужжати йўқ ёки тўлиқ эмас. Турар жой кадастри масаласидаги муаммолар ҳар қайси ҳудудда, ҳар қайси қишлоқда учрайди. Устига-устак кадастр ҳужжатига эга бўлмаган фуқаролар мавжуд имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, томорқа учун кредит, қурилиш ишларига субсидия, уй-жойини кенгайтиришга ипотека кредити олишолмаяпти. Оқибатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари, маҳаллий ҳокимликлар, даҳлдор муассасаларга жуда кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Аксига олиб, кадастри бўлмагани учун ер солиғини уч карра оширилган миқдорда тўлаётган ҳамюртларимизнинг бош суқмаган идораси қолмаяпти. Ижтимоий тармоқлар орқали “оҳ-у воҳ” қилаётганлари ҳам йўқ эмас.**

**Хонадонларни қонуний расмийлаштириш ва кадастр қилдириш билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб олиш мақсадида Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Равшанбек МИРЗААҲМЕДОВга мурожаат қилдик. Ўйлаймизки, ушбу жавоблар фуқароларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилишда ёрдами тегади.**



– Дастлаб, фуқароларнинг ўзлари ҳафсаласизлик қилиб, кўп йиллардан буён яшаб келаётган хонадонларини қонунан расмийлаштириб олишмаганини айтиб ўтиш жоиз, – деди Р. Мирзааҳмедов. – Суриштирсангиз, турар жойлари анча йиллар аввал ўтиб кетган отаси ёки бобосига тегишли бўлиб чиқади. Вақтинча кадастр ҳужжатлари тайёрланмагани боис, уларга тегишли ҳужжатлар йўқолиб кетган. Аслида бундай муаммони дахлдор муассасалар ёки фуқаролик ишлари бўйича судлар орқали ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун қонунчилик талаблари мавжуд. Аксарият ҳолатларда айрим юртдошларимиз ҳуқуқини билмаслиги туфайли яқин қариндошлар ўртасида можаролар келиб чиқмоқда.

Яқинда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу муаммога тўхталиб ўтилди. Таъкидланишича, республикамиз бўйича 2 миллион 600 мингта аҳоли хонадонларининг кадастр ҳужжати мавжуд эмас. Мазкур ҳолатни Фарғона вилояти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, “Кўчмас мулк-3” дастурига киритилган объектлар сони 885 465 тани ташкил этса-да, 340 746 таси кадастр паспортига эга эмас. Шу ўринда муҳим масалага тўхталиб ўтсак. Бундай ҳолатларни давлат ерлари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, деб ҳам баҳолаш мумкин.

Кадастр агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 2022 йилнинг ўтган 6 ойи давомида 500 та ҳолатда 100,2 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ва кадастр ҳужжатига эга эмаслиги аниқланди. Қонун бузилиши ҳолатларини содир этган ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан 310 та маъмурий иш қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан 1 млрд 295 млн 250 минг сўм жарима қўлланилган. Бундан ташқари, Кадастр агентлиги туман ва шаҳар бўлимлари томонидан кодекснинг 68-моддаси 2-қисми ва $68^1$ - моддаси асосида 1 331 та ҳуқуқбузардан 3 млрд 7 млн 815 минг сўм миқдорда маъмурий жарима ундириш белгиланди.

Хонадонини ҳануз кадастр қилмаган аҳоли ўртасида ўрганишлар шуни кўрсатдики, ноқонуний равишда ерни эгаллаган, иморат қурган айрим шахслар қонунчиликда белгиланмаган “ҳаққи”ни талаб қилишга уринмоқда. Ҳолбуки, уларда на ерга, на мулкка нисбатан ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат бор. Бу масаланинг бир томони. Яна бир жиҳат шундаки, баъзи фуқароларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерга кадастр ҳужжати борлиги учун “бу ер меники”, деган фикр пайдо бўлади. Бу хато. Албатта, уларда кадастр йиғма жилди бўлиши мумкин. Аммо бу вазиятда ер фақат ернинг жойлашув схемаси, техник ҳужжатдан иборат бўлади. Яъни, шу ер участкаси ноқонуний бўлса ҳам муайян чегарада жойлашганлигининг ҳисобини юритиш учунгина кадастр ҳужжати берилган бўлади. Бу эса фуқарога шу ерни тасарруф этиш ёки бошқача тарзда мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини бермайди.

Бундай вазиятда ягона ечим ўз вақтида, мутасаддиларнинг ҳеч қандай аралашуви ва жарималарсиз турар жойга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ва кадастр ҳужжатига эга бўлишдир. Унинг афзаллик томони шундаки, кадастр паспорти аҳолига давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш учун керак бўлади. Жумладан, хонадонга ижарага қўйиш, банкдан кредит олиш, уй-жой олди-сотдиси, ноқонуний ер эгаллаб олиш ҳолатларини бартараф этиш, доимий ва вақтинчалик пропискага қўйиш ҳамда коммунал хизматлар соҳасидаги тўловлар учун кадастр паспортининг ўрни жуда муҳимдир.

Ҳозирда Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси томонидан маҳаллабай кадастр ҳужжати бўлмаган хонадонларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича ишчи гуруҳлари ташкилланиб, амалий ишга киришилган. Ишчи гуруҳ жорий йилнинг 1 октябрига қадар уйма-уй юриб, фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларни тўплайди ва электрон базага киритади. Кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва муҳокамага киритади.

Шунингдек, ишчи гуруҳлар зиммасига масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда жойларда ер ҳисоби ва давлат кадастрларини шакллантиришдаги муаммоларни аниқлаш, батафсил ўрганиш, натижаларини умумлаштириш ҳамда уларнинг қонуний ечимларини топиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Тан олиш керак, мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик доирасида ерга мулк сифатида қарашга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу нима дегани? Илгари ерни сотиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ерни сотишни истаган одам аввал бино қуриши, атрофини девор билан ўраши, кейин сотиши керак бўлган. Эндиликда давлат томонидан фуқароларга яна бир имконият яратилди. Яъни, қонунда кўрсатилган ҳолларда айрим турдаги ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат берилди. Белгиланган тартибда хусусийлаштириладиган ерлар мулк сифатида эътироф этилади ва уни объект сифатида сотиш мумкин бўлади.

**“O'zbekiston bunyodkori” мухбири Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ ёзиб олди.**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1859 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 21.15.
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6